O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 9-yanvar • № 2 (3729)


# МАҲОРАТ ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

***Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Низомиддин МАҲМУДОВ билан суҳбат***

**— Низомиддин ака, бугунги кунда телевидениесиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Матбуот нашрларининг ҳеч бири ТВ билан рақобатлаша олмайди. Бу бор ҳақиқат. Йил охирида матбуот ходимларини обуначиларнинг миқдори ташвишга солиб туради, ТВ бу ҳақда деярли қайғурмайди: унинг "обуначиси" нақд...**

— "Қайғурмайди" деган фикрингизга қўшилмайман. Нашрлар йилда икки марта обуна мавсуми ўтказсалар, биз ҳар куни ўтказамиз, яъни ҳар куни томошабинга ҳисоб берамиз. Нашрларнинг бу борада бироз имтиёзлари бор: дейлик, маълум муддатга обуна уюштириб олингандан сўнг ўша муддат ўтгунча газетхон (журналхон) истаса-истамаса ўша нашрни олиб туради. Чунки пул тўлаган. ТВда эса, агар маълум канал ёқмаса, ўша дақиқанинг ўзида бошқа каналга ўтиш имконияти бор. Яъни бир неча сония ичида ТВ ўз мухлисидан ажралиб қолиши ҳам мумкин. Шу сабабли ТВ ҳар куни томошабин билан ҳисоблашишга, унинг дилига, юрагига киришга, айни ўша пайтда уни қийнаб турган кўнглидаги гапларни олиб чиқишга, воқеа юз бергандан сўнг маълум сониялар ёки соатлар ичида **"Нима?", "Қачон?", "Қаерда?"** деган эҳтиёжини узлуксиз қондириб туришга мажбур. Бу соҳада ҳам ТВ нашрларга нисбатан "тезкор". ТВ ёки радио нашрлар каби маълум муддатларда "ҳисоб" бермаслиги бу имтиёз эмас, аксинча, масъулиятдир.

**— Лекин ўтган йил охирларида нашрлар каби ТВ ва радиода томошабин ҳамда тингловчилар фикрини бевосита ўрганишга мўлжалланган роликлар пайдо бўлди. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

— Тушундим. Биз ўтган йили ноябр ойидан бошлаб томошабинлар ва тингловчиларга 2003 йилда эфирга узатилган ва 2004 йилда эфирга узатиш мўлжалланган кўрсатув ва эшиттиришларимиз ҳақидаги фикрларини билиш учун бу роликларни ташкил қилдик. Асосий мақсадимиз — кўрсатув ва эшиттиришлар сифатини ошириш, уни томошабинга яқинлаштириш. Бу роликлар томошабин ҳамда тингловчига телевидение ва радио ҳақида ўзининг холис фикрини билдириш имконини бериш учун ташкил этилди ва ўтган муддат шуни кўрсатдики, ўзига хос бу мулоқотга чорлов ишончни оқлади. Бундан ташқари, ТВ ва радио ҳақида томошабинлар ҳамда тингловчилар фикрини ўрганиб туриш учун компаниямизда ўтган йил охирида "Малака ошириш, ҳудудий ва нодавлат телерадиолари билан ишлаш" департаменти таркибида "Таҳлил ва тавсия" бўлими ташкил этилди. Бу бўлимда ҳам турли сўровлар, хатлар, бевосита уюштирилган мулоқотлар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиб, таҳлил қилиб борилди. Шунингдек, янги йил режаси лойиҳаси бўйича икки-уч ой мобайнида турли ижодий жамоалар, вилоятлардаги корхона-ташкилотлар, турли тоифадаги мухлислар, жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари олинди. Томошабинлар билан бевосита мулоқотлар ўтказилди. Улар очиқ тарзда ё ижобий, ё салбий фикрларини билдирдилар. Бу мулоқотлар эфирга ҳам берилди. Айнан шу сўров ва жамоатчилик фикри, таклифларига асосланиб, 2004 йил режаси такомиллаштирилди. Бунинг учун барча телетомошабинлар, радиотингловчилар, ташкилотларга, албатта, катта раҳмат.

**— Бу таклифлар кўрсатувлар ва эшиттиришлар жадвалига таъсир қилди демоқчисиз, шундайми?**

— Ҳа. Биз таклифларни ўрганиб чиққач, 2003 йилда рейтинги паст ёки томошабин, тингловчининг ўринли эътирозига сабаб бўлган кўрсатувларни, бошловчиларни ҳам эфирдан олишга қарор қилдик. 2004 йилдаги жадвалимизга, имкон борича, томошабинга яқин ва савияси баланд кўрсатувларни жойлаштиришга ҳаракат қилдик. Мен ҳамма кўрсатувларимиз шундай бўлади, деган ваъдадан йироқман. Телерадиожурналистикамизда ҳали жуда кўп муаммолар бор. Ҳали ҳам ўзларини чинакам теле ёки радио журналисти сифатида намоён этолмаётган ходимларимиз йўқ эмас. Муаммо шундаки, кўрсатувни тайёрлаш ижодий жараёни мақоладан кескин фарқ қилади. Мақоланинг савияси, сифати, дейлик, ҳатто энг майда ижодий томонигача фақат муаллиф жавобгар. Кўрсатув эса муаллифдан тортиб, чироқчигача бўлган ўнлаб кишининг ижодий ҳамкорлиги маҳсули. Агар бу ҳамкорликнинг битта бўғинида масъулиятсизлик билинса, кўрсатувнинг сифати тушиши аниқ. Шу сабабли, кўрсатувга фақат бир кишининг ижоди, деб қараб бўлмайди. Ана шу ижодий гуруҳ фаолиятида якдиллик бўлса, кўрсатув жонли чиқади. Янги йилдаги кўрсатувларимизни жадвалга киритишдан олдин, биз ижодий гуруҳлар қай даражада шаклланганига ҳам эътибор қаратдик ва, асосан, ижодий гуруҳлари шаклланган кўрсатувлар режамиздан жой олди. 2004 йилни давлатимиз раҳбари "Меҳр ва мурувват йили" деб атади. Бизнинг 2004 йил режамизда ана шу йўналишдаги кўрсатувларга кенг ўрин берилган. Бу кўрсатувларнинг қуруқ ҳисобот кўрсатувлари бўлиб қолмаслигига ҳаракат қиламиз. Тўртала каналда меҳр ва мурувват тарғиботига бағишланган ўнлаб кўрсатувлар, шоулар ташкил этилади. Саҳна асарларини намойиш этишни ҳам белгилаб олинди. Кўплаб таъсирчан роликлар ишланди ва ишланмоқда.

Шу билан бирга, биз 1 июн "Халқаро болалар куни"га ўзига хос тайёргарлик кўряпмиз, яъни шу куни катта марафон ўтказиб, юртимизнинг барча тадбиркорлари ва мурувватли кишиларини таклиф қилиб, умумий хайрия куни ўтказишни ҳамда шу куни тушган маблағни болалар уйларига ўтказиш ташаббуси билан ҳам чиқяпмиз. Бундан ташқари, йил давомида яна бир нечта худди шундай марафонлар ўтказиш ҳамда тушган маблағни боқувчиси йўқ, ёлғиз, ногирон одамларга ажратишни уюштириш ва бу катта тадбирга бош-қош бўлиш режаларимиз бор. Биз янги йилда шундай ишлайликки, бирдамлик, ҳамдамлик, бировнинг дардини ўзимнинг дардим, деган тушунча кучайсин, яъни чинакам маънодаги бир-биримизга бўлган меҳр яққол сезилсин, ҳеч ким ўзини эътибордан четда қолгандай сезмасин. Бундай умуммиллий руҳни пайдо қилишда ТВнинг роли катталигини эътиборга олиб, айнан шу йўналишда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш барча каналларнинг режаларига киритилган.

**Давоми иккинчи бетда.**

# 14 ЯНВАР — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ





### ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

## ДИЛДАН СЕВИБ ЎЗБЕКИСТОННИ

**Билаклари кучга тўлишган,**
**Ҳар томон-ла роса келишган,**
**Дилдан севиб Ўзбекистонни**
**Мард йигитлар ҳарбий бўлишган.**

**Ҳужум қилмас кўкдан бургутлар,**
**Қуёш юзин тўсмас булутлар.**
**Халқимиз тинч, мусаффо осмон,**
**Чин ўғлонлар юртни қўриқлар.**

**Бири айлар самода парвоз,**
**Бири чаққон мисоли дорбоз.**
**Ҳарбий касбинг устаси бари,**
**Бир-биридан ўтишар шоввоз!**

**Қўрғонимиз мустаҳкам синчдир,**
**Барқарорлик чексиз севинчдир.**
**Ўз постида ҳушёр турганнинг,**
**Билиб қўйинг, Ватани тинчдир.**

**Душман бўлар ер билан парча,**
**Пешонадан очилар дарча.**
**Бир бор бунга уринганларнинг**
**Тақдири не, билади барча.**

**Билаклари кучга тўлишган,**
**Ҳар томон-ла роса келишган.**
**Дилдан севиб Ўзбекистонни**
**Мард йигитлар ҳарбий бўлишган.**

**Абдураззоқ ОБРЎЙ**

# «УСТОД БИР НАВБАТ УЛУҒ ТОШ ОТТИ...»

## БОБУР — МИЛЛИЙ АРТИЛЛЕРИЯ АСОСЧИСИ

Ватанимиз мустақилликка эришгач миллий давлатчилигимиз асосини ташкил этувчи жуда кўп имкониятлар қўлга киритилди. Шулардан бири қуролли кучларимизнинг ташкил этилганидир. Бугунги кунда миллий армиямизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар, янгиликлар қатори, аждодларимиз ҳарбий санъати тарихини ўрганиш, муҳорабаларда кўрсатган мардликлари, топқирликлари, янги қурол-аслаҳалар яратишдек ижодкорликка интилишларидан ибрат олиш ҳам фойдадан холи эмас.

Тарихда ўтган ҳарбий муҳорабалар сирлари, армияни сақлаш, тартиб билан иш юритиш, уни янги аслаҳалар билан бойитиш тажрибалари бугунги ёш аскару зобитларимизда Ватанга муҳаббат, ўтмишимиздан ғурур, янгилик яратишга ҳавас уйғотиши шубҳасиз. Айниқса, Амир Темур ва Заҳириддин Бобурнинг ҳарбий маҳоратини, уларнинг юксак жанг тажрибаларини имкон қадар ўрганиб, мустақил юртимиз мудофаа тарихининг айрим саҳифаларини тўлдириш долзарб вазифалардандир.

Мазкур мақолада биз шу катта мавзунинг бир жиҳати — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг миллий артиллериямиз асосчиси сифатидаги фаолияти ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Заҳириддин Бобур Ҳиндистонни тасарруфига киритгунга қадар, энди қирқ ёшни қоралаётган паллада юрт олиб юрт берган, муҳорабаларда суяги қотган, дўст вафосидан кўра атрофидагиларнинг хиёнати, бевафолигидан кўп озор чеккан саркарда эди. Унинг ягона мақсади бобоси Амир Темурнинг бепоён салтанатини асраш, кўпинча ўзларининг тор манфаатларини кўзлаб, низо-жанжаллар гирдобига тушаётган тахтпараст беклар бошини бириктириш эди.

Бобур Ҳиндистонга юриш қилгунга қадар, аввал Мовароуннаҳрда Аҳмад Танбал, кейинчалик Хисравшоҳ, Шайбонийхон, Бухоро учун курашда Абдуллахон билан жанг қилган, ғалабалар нашидасини сурган, мағлубиятлар аламини тортган — улкан муҳораба мактабини ўтаган. Бобур юз-юз эллик минг аскар, айниқса, икки мингта жанговар филга (таъбир жоиз бўлса, бу филлар ўша пайтда муҳораба майдонида бугунги танк вазифасини ўтаган) эга ҳинд саркардаси Иброҳим Лўдий армиясига қарши нисбатан кам сонли лашкар билан курашиб, ғалаба қозонган.

Бу жангларда Бобур туфанг мавқеига катта эътибор беради. У, биринчи галда, ҳинд, пушту ва балужларнинг жанг майдонида ҳали бу аслаҳага дуч келишмаганини билиб, ундан руҳий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланади. Кашмир яқинидаги Бажавр жангида унинг туфангчилари шижоат кўрсатиб, ғанимни таҳликага солиб қўйишади. Бу эса Бобурга янада мукаммалроқ қурол яратиш ғоясини беради: «Бажавр эли чун туфангни кўрмайдур эдилар, туфанг унидин ҳеч парвое қилмадилар, балки туфанг унини эшитгач тамасхур қилиб, муқобалада шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Ўшал куни Устод Алиқули беш кишини туфанг била отиб йиқди. Ўзга туфангандозлар ҳам туфанг отмоқта бисёр жалодат кўрсатиб, яхшилаб оттилар. Калқондин, жибадин, говсардин ўткара-ўткара, йиқита-йиқита оттилар. Оқшомғача шоядким, етти-секкиз-ўн бажаврий туфанг била йиқилди. Андин сўнгра андоқ эдиким, туфангнинг зарбидин бош чиқара олмаслар эди».

**Давоми иккинчи бетда.**

ЭЪТИРОФ

# АҲИЛЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбек Миллий академик театри зали ҳар доимгидек томошабинлар билан гавжум. Спектакл бошланишида томоша зали узра миллий эстрадамизнинг ёрқин юлдузи, марҳум Ботир Зокиров (жойлари жаннатда бўлсин) ижросидаги "Араб тангоси" қўшиғи янгради. Гулдурос қарсаклар остида парда кўтарилиб, саҳнада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров намоён бўлди. Бугун у таниқли драматург Санжарали Имомов асари асосидаги "Эргинамнинг орзуси" спектаклида бош қаҳрамон — Эркак ролини ижро этмоқда. Яна бир бош қаҳрамон — Аёл ролида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова.

Асар муаллифи С.Имомов, уни саҳналаштирган режиссёр Микоэл Хачатуров, мусиқа сараловчи Анваржон Эргашев ҳамда бош ролларни ижро этган Г.Зокирова ва Ж.Зокировлар турмуш чорраҳаларида ҳар қадамда дуч келинадиган тотли дамлар ва нохуш муносабатлар, қувонч ва ўкинчлар, меҳр-оқибат ва туҳмат-хусуматлар, бир-бирларини ардоқлашу хўрлашлар, қўйингки, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни шарқона йўсинда рўй-рост кўрсатишни мақсад қилиб қўйганлар. Кўпчилик томошабинларнинг фикрича, улар "эргинасининг орзуси" асли пуч, "нимани эксанг, шуни ўришинг" муқаррар эканлигига ёшларни ишонтириш, энг муҳими, замондошларимизни турмушда хатарли, саробга элтувчи берк сўқмоқни танламасликка даъват этиш билан, аҳилликка чорлаш йўлини танлаганлар. "Муштарак мақсадимиз, — дейди Гавҳар Зокирова, — мустақил юртимизнинг ҳар бир хонадонида ўсиб-улғаяётган авлод онгида оила муқаддаслиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш, уларни келажакда мустаҳкам турмуш қуришга, оила ва жамият учун муносиб фарзандлар тарбиялашга даъват этишдир. Агар оз бўлса-да, бунга ҳисса қўша олсак беҳад хурсанд бўлардик".

— Бу спектакл ва Зокировлар яратган "эр-хотин" образлари замирида ўзига хос фалсафий аҳамиятга молик аччиқ ҳақиқат ётибди, — дейишди томошабинлардан Зумрадхон, Румияхон Жалолова ҳамда Наргизахон Ўринбоевалар. — Энг муҳими, асар ёшларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга долзарб мавзуда ёзилган. Бош роллар Гавҳар ва Жамшид Зокировлар томонидан қиёмига етказиб ижро этилгани бизни ғоят қувонтирди.

**Холмирза МАТКАРИМОВ**

# СЕН ЁНМАСАНГ, МЕН ЁНМАСАМ...

### АКС-САДО

Мен "ЎзАС"нинг ўтган сонида Сирожиддин Саййиднинг "Шоир ва шоирчилик" сарлавҳали мақоласини катта изтироб билан ўқиб чиқдим. Газетанинг ўтган йил охирги сонида босилган Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Ички нигоҳ бўлмаса..." деган мақоласида ҳам шу мавзу кўтарилган эди. Яъни муҳтарам домламиз Озод Шарафиддинов айтганларидай, шеър кўпу шоир кам...

Баъзи шеърфурушларга ҳайронман: ўзидан бошқа ҳеч ким ўқимайдиган жўн қораламасини пеш қилиб, керилишади, таҳририятма-таҳририят кўтариб юриб, шоирлигини рўкач қилишдан уялишмайди. Бироқ бугун бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетган саёз қўшиқни танқид қилишмайди. Ёки айтайлик, бирор нашриётда "ҳомийлик асосида" босилиб чиққан бемаза китобни танқид қилиб, адабий савиямиз юксаклигини ҳимоя қилувчи мақола ёзмайди.

Бирор кўчадаги беўхшов, хато ёзувдан ҳам асаби бузилиб, унинг тўғри ёзилишини талаб қилмайди. Тавба дейман, шеърини ўқисангиз нуқул... осмондан келади.

Ҳеч бўлмаса, ҳаётдаги бирор эзгулик, яхшиликдан дили ийиб, меҳр-муҳаббатни улуғлайдиган нарса ҳам ёзмайди, у гўё буларни мутлақо кўрмайди.

Бундай "қўлбола шоир"чаларнинг ижодини агар синчиклаб кузатсангиз, гоҳо устомон тақлидчига дуч келасиз, ўзларини йиғламсираётганга солишади, сўнг эса бирдан даҳолиги тутиб кимгадир ақл ўргатмоқчи бўлишадими-ей... Ахир, қарқуноқдан булбул чиққанини ким кўрибди? Агар шоир гўзалликдан завқланмаса, эзгуликни ҳимоя қилмаса, дили завқ-шавқдан ёхуд изтиробдан ёнмаса... улуғлар айтганидек, одамлар кўнглига эзгулик чироғини ким ёқади?

**А. САЪДУЛЛАЕВ**

### ЛУҚМА

# ЎҒИРЛАНГАН ШЕЪР

Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" телеканалида бир қўшиқ эшитиб қолдик. Бу қўшиқ бир ой ичида бир эмас, икки-уч маротаба янграгандан кейин, унга муносабат билдиришни лозим деб топдик.

Қўшиқни ёш хонанда Қаҳрамон Абдуллаев ижро этган. Шеър муаллифи деб Ҳавасхон Шокирова берилган. Унда шундай сатрлар бор:

**Дунё дилгир, "Ёр-ёр" айттил,**
**Эй кўзлари хуморим...**

Бу гаплар, шеър оҳанги бизга негадир таниш туюлди. Қўшиқ давомида таниш сатрларга дуч келавериб, ҳайратимиз ортгандан орта борди. Қўшиқнинг:

**Ўтган ою йилларимни**
**Мен бир туш деб билгайман, —**

деган жойига келганда тоқатимиз тоқ бўлди.

Энди шоир Сирожиддин Саййиднинг "Тўй оқшомида" шеъридан парчалар келтирамиз:

**Дунё ҳазин, "Ёр-ёр" айттил**
**Эй кўзлари қуралай,**
**"Ёр-ёр"ингдан ўлган эдим,**
**"Ёр-ёр"ингдан тирилай.**
**Ўтган ою йилларимни**
**Мен бир туш деб билгайман.**
**Бўйнингдаги холингни бер,**
**Дилга нуқта қилгайман.**

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Албатта, "Ёшлар" телеканалидагиларнинг ҳар бир шеърни ким ёзганини текшириб ўтиришга вақтлари етмайди. Хонанда укамизнинг саводхонлик даражасига баҳо бериб ҳам ўтирмаймиз. "Ҳавасхон опамиз ҳам бир ҳавас қилибдилар-да", деб қўя қолишимиз мумкин эди. Лекин бошқа бировнинг шеърига чалакам-чатти либос кийдириб, ўз шеърим деб эълон қилинишини ҳеч ҳазм қилолмадик. Қолаверса, Сирожиддин Саййиднинг юқоридаги шеъри иқтидорли хонанда Абдуваҳоб Тошматов ижросида маромига етказиб айтилган. Фақат телеэкран орқали берилмаган, холос. Шеър кимники, қўшиқ кимники, деган саволлар туғилгани учун ҳам, бу борада инсоф, андиша сингари оддий инсоний тушунчалар хотирдан чиқмасайди, деган илинж ва умид билан хат ёзмоққа мажбур бўлдик.

**Нарзулла ХОЛОВ,**
**Омонулла ХОЛИҚОВ**
*Сурхондарё вилояти*

# АСКИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ




Ўтган йил охирида Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам туманидаги вилоят ўзбек драма театри биносида "Сайрам қаҳқаҳаси — 2003" биринчи халқаро аския фестивали ўтказилган эди. Унда Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистондан келган аскиячи гуруҳлар беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарори билан фестивалнинг олий соврини ҳамда вилоят ҳокимининг совғаси Абдулла Акбаров раҳбарлигидаги фарғоналик акскиячиларга берилди. "Энг топқир аскиячи" соврини ҳам фарғоналик аскиячи Баҳодир Шокировга топширилди. Биринчи ўрин Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам туманидаги Турсунхўжа Хонхўжаев бошчилигидаги аскиячилар гуруҳига берилди.

Ўшлик Муҳаммаджон Шокиров "Энг қувноқ аскиячи" деб эътироф этилди. Туркистон тумани ва Қирғизистон республикаси аскиячилари ҳам соврин ва фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдилар.

Фестивал якунида эстафета туркистонликларга топширилди. Аскиячи гуруҳлар бу йил Туркистон шаҳрида учрашадиган бўлдилар.

# "ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ИНСОН!"

## ЯНГИ ЙИЛ ГУРУНГЛАРИ



*Ўтган 2003 йил ўзбек киноижодкорлари учун сермаҳсул бўлди. "Қор қўйнида лола", "Ёдгор", "Дев билан пакана" каби жанри, мазмуни ва тасвирий ечими турлича бўлган филмлар ўзбек киносида ўзига хос услубий ва ижодий изланишлар давом этаётганидан далолатдир. Айни кунларда истеъдодли режиссёр Юсуф Розиқов "Дард" деб номланган янги филмини суратга олиш ишларини якунлади. Янги йил байрами кунларида ижодий гуруҳ филмга овоз бериш жараёнини давом эттирди. Биз сценарий муаллифи ва кинорежиссёр, "Ўзбекфилм" киностудияси директори Юсуф Розиқов билан иш жараёнида суҳбатлашдик.*

**— Юсуф ака, янги филмингиз "Дард" деб номланибди. Бу ўринда нафақат жисмоний дард ва оғриқлар, балки маънавий дарду иллатлар назарда тутилган бўлса керак.**

— Публицистик киноасар қилиш ниятимиз йўқ эди. Оғир касаллик, дард, беморни даволаш муҳити, умуман, шу масалалар, муаммолар доирасида инсоний муносабатларни таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

"Дард" деб номланган янги филмимизда поэтик ва лирик лавҳалар йўқ, бу ижтимоий филм, мавзуга ёндашув ҳам таъсирли ва жиддий, дардли. Бемор ва шифокор ўртасидаги муносабатлар филм сюжетига сингдирилган. Саратон касаллигига дучор бўлган, ўлимга маҳкум инсонларнинг руҳий оламини, феъл-атворини кузатибгина қолмай, бу даҳшатли касалликни даволашга бел боғлаган шифокор — жарроҳларнинг тўлақонли қиёфасини яратишга уриниш бўлди. Бош қаҳрамонимиз мураккаб тақдирли шахс, бу фидойи инсон учун муҳими ҳаётий ва маиший шарт-шароитлар, қулайлик ва шахсий фаровонлик эмас. У — жарроҳ, ўлим билан яккама-якка олишади, унинг учун муҳими — оғир хасталикни даволаш, беморга ҳаёт ато этиш.

Биз ҳеч бир қаҳрамоннинг тақдирига, дардига бефарқ бўла олмадик. Инсоннинг бошига қанча азоб, ситам ва синовлар тушмасин, у яхшиликка, эзгуликка ишониб, интилиб яшайди. Йўқотишлар, оғриқлар, дардлар ниҳоясида ҳаётга илҳақлик ниш уради уларнинг қалбида.

**— Филм мавзуи томошабинни қай даражада қизиқтира олади? Ҳар қалай, мавзу ниҳоятда мураккаб ва жиддий.**

— Томошабин ўзига яқин ва таниш воқеалар, тақдирлар, инсонлар ҳаяжонини кузатади. Бош қаҳрамонимиз, истеъдодли жарроҳ-онкологнинг ўтмишда қолиб кетган фожиаси талайгина одамларга яқин экан. Суратга олиш жараёнида кўплаб беморлар билан мулоқотда бўлдик, касалхоналардаги муҳитни ўргандик. Ва айнан шундай хулосаларга келдик.

"Дард" филмида бир персонаж бор. Саратон касаллигига дучор бўлган актриса образи. Бу ролни Шамсиқамар Мансурова ижро этди. Қаҳрамонимизнинг санъатга муҳаббати, ҳаётга ишончи уни саратон касаллиги билан курашишга ундайди. Бундай хислат эса кўп беморларга хос экан.

Кино фақат дам олиш, кўнгилхушлик воситаси эмас. "Дард" филми томошабинни жиддий мулоҳазаларга, ҳамдардликка чорлайди. Филмимиз ўз томошабинини топади, деб ўйлайман.

**— Ижодий гуруҳ билан таништирсангиз.**

— Доимий ҳамкорим, тажрибали оператор Ҳотам Файзиев филм лавҳаларини тасвирга олди. "Дард"нинг услубига, шаклий ва тасвирий ечимига йўл топа олди. Гарчи ёруғ, қувончли лавҳаларимиз оз бўлсада, қаҳрамонлар руҳиятидаги, нигоҳидаги ҳаётга бўлган илҳақликни нозик чизгиларда акс эттиришга ҳаракат қилди.

Асосий қаҳрамонлар ролларини Рустам Каримов, Фатхулла Маъсудов, Шамсиқамар Мансурова, Жалол Юсупов, Ирода Аҳмедова, Ойбек Одилов каби актёрлар ижро этишди.

Санъат институти актёрлик факултетининг III курс талабаси Ирода Аҳмедованинг ижроси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Жуда меҳнаткаш, истеъдодли ёш актриса. Унинг ижросидан режиссёр сифатида қониқдим. Келажакда кинода яхши-яхши роллар ижро этишига ишонаман. Ирода қаҳрамони Аълонинг фожиасини, руҳий ҳолатларини моҳирона очиб бера олди.

Истеъдодли актёр Рустам Каримов билан биринчи бор ишлашим. Бош қаҳрамонимизнинг мураккаб тақдирини актёр тўлақонли ифода эта олди.

**— Юсуф ака, ўтган йилдан ижодкор сифатида қониқдингизми? Янги йилдан тилакларингиз.**



— Мен 2003 йилдан жуда хурсандман. Чунки ўзбек киносида ажойиб филмлар яратилди, ижодий кашфиётлар кўп бўлди. Филмларимиз халқаро киноанжуманларда муносиб тақдирланди. Режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Осмондаги болалар" филми бир нечта совринларга сазовор бўлди. "Ўртоқ Бойкенжаев" филми эса "Ника" номинациясига киритилди. Ёш киноижодкорлар Аюб Шаҳобиддинов ва Ёлкин Тўйчиевнинг "Қор қўйнида лола" дебют филми Боку кинофестивалида совриндор бўлди. Мультипликация соҳасида ҳам яхшигина ютуқларга эришдик.

Ҳозир "Ўзбеккино" компанияси билан ҳамкорликда катта тажриба ўтказяпмиз. Гап янги филмларни томошабинга етказиш усуллари ҳақида боряпти. "Дев билан пакана" филмида бу усулнинг ижобий самарасини кўряпмиз. Бизда ҳали бундай изчил ва чиройли тарзда филмлар намойиш этилмаган. Назаримда, бу энг тўғри йўл. Томошабинга нисбатан ҳурмат ва эътиборнинг белгиси бу. Бугунги кунда мухлисни жалб эта олиш муҳим.

Тилагим, мухлисларимизнинг кинога қизиқиши сўнмасин. "Ўзбек киноси қайтадан жонланяпти, тараққий этяпти", деган фикрларга тўлиқ қўшилган ҳолда, томошабиннинг кинога ишончи йўқолмасин, дейман. Янги йилда томошабинларга манзур бўладиган, уларнинг қувончу дардига яқин бўлган филмларни кўпроқ яратишга ҳаракат қиламиз.

**Феруза НОДИРОВА**

# АФҒОНИСТОН САФАРИ

## "НАВОИЙ АНЖУМАНИ"

## ЮРГАН ДАРЁ...

Илмий сафаримизнинг ўнинчиси биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклиф ва кўрсатмалари асосида ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилган эди. "Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги мазкур тарихий ҳужжатнинг 5-бандида Бобур номидаги халқаро жамғарма номи ҳам алоҳида зикр этилган эди: "Бобур номли халқаро жамғарманинг буюк аждодларимиз хотирасини тиклаш ва абадийлаштиришга доир фаолияти маъқуллансин..." Камтарона жамғармамиз фаолиятига берилган бу юксак баҳо ва эътироф биз учун ғоят шарафли эди, айни пайтда у зиммамизга янада жиддий масъулият юклади. Навбатдаги сафаримиз режаларини мазкур қарор ҳамда Юртбошимизнинг Эрон ва Афғонистон президентлари билан учрашуви чоғидаги фикр-мулоҳазалари асосида қайта кўриб чиқдик. Бўлажак халқаро йўл — Термиз — Мозори Шариф — Шибирғон — Маймана — Ҳирот — Тойибот йўлидан юришга аҳд қилдик.

Мозори Шарифда яхши бир тадбир, биз учун муҳим воқеа устидан чиқдик: шаҳардаги кўп қаватли "Жузжон" савдо маркетининг бешинчи қаватида жойлашган "Навоий анжумани"нинг навбатдаги машғулоти ўтаётган экан. Гурунгни анжуман раисининг ўринбосари, Балх дорулфунунининг адабиёт ва инсонпарварлик илмлари факултети муаллими устод Саид Муҳаммад Олим Лабиб бошқараётган эди. Улар орасида, жумладан, бир вақтлар Тошкентда ҳуқуқшунослик бўйича малака ошириш босқичини ўтаган Қори Абдураҳим Айний, Балх вилояти маданият бошқармаси раиси Абдулла Руин, ёзувчи Сардор Муҳаммад Раҳмон ўғли, шоирлардан — Абдулазиз Деҳқон, Соли Муҳаммад Хассос ва бошқалар бор эди.

"Навоий анжумани"нинг мақсад ва вазифалари Афғонистонда яшовчи туркийзабон халқларнинг тили, тарихи, адабиёти, умуман маданиятини қайта тиклаш, ривожлантириш, тарғибу ташвиқ қилишдан иборат экан.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон адабиёти, маданий ҳаёти билан қизиқдилар. Савол-жавоблар бўлди. Бобур жамғармаси ва Навоий анжумани ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш тўғрисида таклифлар тушди ва маъқулланди.

### АБДУРАШИД ДЎСТИМ ҚАРОРГОҲИДА

Эртасига Шибирғонга жўнадик. Йўл-йўлакай Балх шаҳрига кириб, Бобораҳим Машраб қабрини зиёрат қилдик. Кеча балхлик шоир, "Навоий анжумани" аъзоси Абдулазиз Деҳқон ўз маблағи ҳисобидан Машраб қабрини таъмирлатиб қўйганини айтган эди. Дарҳақиқат, 1992 йилги сафаримиз чоғида бу қабр жуда ҳам аянчли ҳолатда эканлигининг гувоҳи бўлган эдик, ҳарқалай, бетондан кенг супа қилиниб, унинг ўртасига қабр тош қўйилибди ва мармар тахтага ушбу лаҳаднинг қаландар шоир Бобораҳим Машрабга тегишли эканлиги битилибди.

Шибирғонда генерал Абдурашид Дўстим билан учрашдик. У бизни муҳташам қароргоҳининг ҳовлисида қабул қилди. Суҳбат самимий ва дўстона бўлди. Афғонистон Шимолий вилоятлар ҳудудининг раҳбарларидан бири бўлмиш Дўстим Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан, Президент Ислом Каримовнинг халқаро фаолияти ва нуфузидан мамнун эканлигини изҳор этди. Биз унга республикамиз ҳукуматининг буюк аждодларимиз оромгоҳларини ободонлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, сафаримизнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида гапирдик.

Шу кеча қароргоҳнинг мўътабар меҳмонларга мўлжалланган қўноқхонасида тунадик.

Оқшом Сарипулни зиёрат қилиб қайтдик. Сарипул — бу тарихий кўприк — Алишер Навоий қурдирган бир неча ўнлаб катта иншоотлардан бири, мана беш асрки, ҳалиҳамон мустаҳкам турибди.

### УҚУБАТЛИ ЙЎЛЛАР. ЯШНАЁТГАН ҲИРОТ

Майманадан у ёғи — деярли Ҳиротгача дашт, тоғу довонлар, даралар оралаб кетдик. Тизза бўйи тупроқ. Хуллас, бу "сўқмоқ"ни йўлга айлантириш учун қанча маблағу меҳнат сарф бўлишини тахминан тасаввур қилиш мумкин. Лекин Ўзбекистоннинг денгизга, дунёга чиқиши учун бу йўл жуда зарур экан, демакки, маблағ ҳам, куч ҳам топилади!

Бу гал бизни Ҳирот очиқ чеҳра ва гуллар билан қарши олди. Шаҳар тубдан ўзгариб кетган.

Мусалло майдонида ҳам ҳолат хийла ўзгача эди: Алишер Навоий ва Гавҳаршодбегим мақбаралари атрофи — тахминан тўрт гектарча ер қўрғонланиб, катта темир дарвоза қурилибди. Навоий сағанасининг тушиб кетган жойлари урилиб, эпақага келтирилибди, Гавҳаршодбегим мақбарасини таъмирлаш бошланибди. Мақбаралар билан кириш дарвозаси ўртасидаги йўлакларнинг четларига ҳар хил гуллар экилибди.

Қўрғонга "Гавҳаршодбегим боғи" деб ном қўйишибди.

Ҳиротликлар пири саналмиш Абдулла Ансорий мақбараси чинакам зиёратгоҳга айланган, унга борадиган йўл равон ва асфалт эди. Форс-тожик адабиёти намояндаларидан бири, Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий қабр-мақбарасининг ҳолати ҳам яхши.

Машҳур мусаввир, ўзбек мусаввира санъатининг дарғаси, мўъжаз рангтасвир устаси Камолиддин Беҳзоднинг қабри Ҳиротнинг ғарби-шимолий томонидаги адирлар тепасида бўлиб, мақбарасиз эди; унга мақбара тиклаш ҳам ўнғайсиз эди, чунки Беҳзод қабрининг ён-атрофларида бошқа қабрлар ҳам кўп бўлиб, улар бир-бирига жуда яқин жойлашган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг қабр тоши ҳамон ўшандай — атрофи очиқ, ёлғиз турибди.

### МАВЛОНО ЛУТФИЙ ВА УНИНГ ҚАБРИ

Мавлоно Лутфий қабрини кўп машаққатлар билан топдик. Тарихий-адабий манбаларда шоирнинг "Ҳиротнинг Деҳи канор мавзеида", "Ҳирот атрофидаги хиёбонлардан бири — Деҳи канорда" таваллуд топгани, ижод қилгани ва шу жойда дафн этилгани битилган. Ҳолбуки, Деҳи канор Ҳиротниг хиёбонларидан бири эмас, шаҳардан ўттиз чақирим кун чиқишдаги дашт в... қишлоқ экан. Буни биз Ҳиротнинг тарихнавис, билимдон кишиларидан бўлмиш Мавлоно Анбарийдан суриштириб билдик.

— Шаҳзода Қосим зиёратгоҳи — қабристони бор. Мавлоно Лутфий шаҳзода Қосим қабрининг кун чиқиш тарафига қўйилган бўлиши керак, — деди олим янаям аниқроқ қилиб.

Деҳи канор йўли ҳам носоз эди. Бепоён Буталай дашти оралаб кетдик. Икки соатлар чамаси юрдик. Иттифоқо рўпарамиздан бир йигит келиб қолди. Шаҳзода Қосим мозорини сўрадик.

— Тўғри кетаяпсизлар, яқин қолди, — деди у.

Дарҳақиқат, бироздан кейин чоғроқ бир пахсали қўрғонча кўринди. Жануб тарафидаги эшик ўрнидан кирдик. Ўртада шунчаки тепаликка ўхшаган бир қабр — катта-кичик тош уюми.

— Наҳотки шу тош уюми Лутфийнинг қабри бўлса? — деймиз ҳайрон бўлиб. — Ахир, Лутфий катта шоир, Ҳирот адабий мактабининг пешқадам вакилларидан бири бўлган-ку. Уни "ўз замонасининг малик улкаломи" деган унвон билан атаганлар. У турк ва форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, Навоийнинг устози, Абдураҳмон Жомий билан дўст бўлган, Навоий ижодига катта эътибор билан қараган. Айни вақтда Алишер Навоий ҳам Лутфий ижодига юқори баҳо берган.

Лутфий форс-тожик тилида ҳам ижод қилган, лекин ўзбек тилидаги шеърлари билан шуҳрат қозонган. Тарихчи Хондамир "Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эди", деб ёзади.

Биз масалага ойдинлик киритишга қарор қилдик ва қўрғонча ёнидан ўтган ўзандан пастга — Жануб томонда элас-элас кўринаётган дарахтзорлар томон юриб кетдик.

Хуллас, кўп машаққатлар билан яна бир соатдан ортиқ юриб, одамлардан сўраб, ҳақиқий шаҳзода Қосим қабристонини топиб бордик. Бу энди хийла катта — тахминан икки гектар атрофидаги пахса деворли қўрғон бўлиб, у Дашти канор ўртасида, Деҳи канор қишлоғидан икки чақиримча Шимолда эди.

Қўрғон ичида боя кўрганчалик яна бир қўрғонча бўлиб, унинг ўртасида сўри сифат баланд супа ва унинг устида катта тош уюми бор эди — бу чинакам Шаҳзода Қосим қабри эди.

Узун соқолли, камсуқум шайх Абдул Ваҳоб ҳам, иттифоқо келиб қолган деҳқон Абдураҳмон ҳам Лутфий ҳақида, унинг қабри тўғрисида ҳеч нарса билмас эди.

Биз Мавлавий Анбарийнинг гапларини айтганимиздан сўнг Абдул Ваҳоб ҳужраси ёнидаги бир ихчам қўрғончани кўрсатиб:

— Мана бу жойда ҳам бир қабр бор, лекин кимники эканлигини, тўғриси, билмайман, — деб қолди.

Ҳиротлик ҳамроҳимиз, Мавлоно Анбарийнинг ўғли Тоҳиржон билан Абдураҳмон девор оша қўрғонча ичига тушишди-да, белкурак билан тупроқни ковлай бошладилар. Анчадан кейин қалин ва узун мармар тош чиқди, офтобада сув олиб, уни ўша жойда ювдилар ва ниҳоят:

— Топилди, топилди! — деди Тоҳиржон севиниб.

Тошга уч сўз битилган эди: "Мавлоно Лутфий Ҳиравий".

Ҳаммамизнинг ҳам қувончимиз чексиз эди. Муқаддас Қуръон оятларидан тиловат қилиб, Лутфий ҳазратларининг руҳи-покига бағишладик.

Ҳиротга кеч қайтдиг-у, тўғри сангтарошлар растасига бордик. Мармар тошга ёзув буюрдик. Эртасига мармар тахтани олиб, яна Деҳи канорга жўнадик.

Шайх Абдул Ваҳоб бизни яна сассизгина, мулойим жилмайиб кутиб олди, унинг ёрдамида Лутфий дафн этилган қабр қўрғончасини токчасимон қилиб ўйдик-да, "Бу оромгоҳ пок Аллоҳ лутфи дарёсининг ғаввоси, урфонга элтувчи ғазал иқлимининг султони, ҳазрати Лутфий Ҳиравийникидир..." каби жумлалар ўйиб ёзилган мармар лавҳани жойлаштириб, атрофини сувaб маҳкамладик.

Шундан кейин шайх Абдул Ваҳобга атаган назру ниёзларимизни бериб, Ҳиротга қайтар эканмиз, ҳаммамизнинг кайфиятимиз чоғ, бугунги қилган тадбиримиздан мамнун эдик.

### ҚАНДАҲОР. ЧЕҲЛ ЗИНА

Навбатдаги йўналишимиз Ҳирот-Қандаҳор эди. Маълумки, бу шаҳар ўзининг тоғлари ва боғбоп ерлари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўзига ром этган. Шу боис бу шаҳарни фатҳ қилиши муносабати билан Ғарб тарафдаги баланд тоғнинг шундоқ тумшуғ томонини ўйдириб, унга гўзал гумбазли айвон солдирган. Айвонга чиқиш учун ётқизилган тошлар ва тоғнинг ўзидан 40 та зина ясалган, шунинг учун бу тарихий тош обида "Чеҳл зина" номи билан машҳур бўлиб, китобларга кирган. Унинг тоқисига, ичларига иморат соҳиблари — Бобур Мирзо ва унинг фарзандлари шаънига настаълиқ хатида мақтов ёзувлари ўйиб битилган.

Айвон олдидаги тошсупанинг икки четида тошдан ясалган шер ҳайкали ҳам бўлганлигини тахмин қилдик: ҳар икки томонда занжир ва шер думининг қолдиқлари бор эди. Демак, шерларни кимдир кўчириб олиб кетган.

Тош айвон солинган тоғ рўпарасидаги Бобур Мирзо бунёд этган Чаҳорбоғ одамларга томорқа сифатида бериб юборилган эди, шунинг учун уни кўрмак имкони бўлмади.

### ҒАЗНА. АЛ-БЕРУНИЙ ҚАБРИ АҲВОЛИ

Ғазна вилоятининг ҳокими ҳожи Асадулло Холид ёш — ўттиз бешлардаги бўйчан, истарали йигит эди.

Бу ерда америкалик меҳмонлар — бир аёл ва бир неча эркак ҳам бўлиб, ҳожи Асадулло улар билан инглиз тилида гаплашарди. У рус тилида ҳам анча-мунча сўзлай оларди.

— Мен Тошкентда бир неча бор бўлганман, — дейди у, — менга шаҳар ҳам, одамлар ҳам кўп маъқул бўлди. Энди сизлар билан кўришиб, танишганимдан хурсандман. Маънавият ва бошқа кўп соҳаларда афғонлар билан ўзбеклар ўртасида анча муштаракликлар бор. Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз фақат афғон ёки ўзбек халқи учунгина эмас, умуман, Осиё халқлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Суҳбат давомида, шубҳасиз, афғон заминида ётган буюк аждодларимиз, жумладан, улуғ олим, мутафаккир Абу Райҳон Беруний ва унинг қабри ҳақида ҳам сўз очдик:

— Беруний ва унинг ўлмас, бебаҳо мероси нафақат афғонлар, нафақат ўзбекларники, балки башариятнинг мулкидир, шунинг учун унинг қабри-мақбарасини тиклаш, атрофини ободонлаштириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

— Албатта, — деди ҳоким, — биздан нима ёрдам зарур бўлса, кўрсатамиз.

Шу куни Ғазна ҳокими бизни қуюқ меҳмон қилди, қароргоҳи меҳмонхонасидан жой берди.

Эртасига эрталаб Ғазна шаҳар ҳокими Ҳаким жаноблари, тарих, фалсафа фанлари муаллими ҳожи Абдураҳмон Ҳакимий ҳамроҳлигида Беруний қабри бошига бордик. Ўша-ўша "қабр" — бир уюм тош. Озгина ерга экилган буғдой ўриб олинган, нарёғида турли экинлар, ёввойи ўтлар ўсиб ётарди.

Жаҳон тан олган аллома, Ўрта асрнинг буюк қомусий олими бўлган бир мўътабар зотнинг мақбарасидан-ку ном-нишон қолмаган, қабри ҳам бир ҳовуч дарё тошидан иборат бўлиб турибди-я!

— Аллома қабрининг бундай ачинарли ҳолга тушиб қолишининг сабаблари кўп, тарихдаги беомон жанглар деймизми, ўтмишдаги айрим ҳукмдорларнинг маънавиятга, маърифатга, илмли машҳур зотларга ҳавас билан эмас, ғараз билан муносабатда бўлишлари натижаси, деймизми...

Назаримизда, муаррих, муаллим ҳожи Абдураҳмон Ҳакимий юрагидаги гапларни айтди: демакки, унинг ҳам алами ичида экан.

Шаҳарга қайтиб, кечаги келишувимиз бўйича тўғри вилоят ҳокимлигининг идорасига бордик.

Қабулхонада ўтириб, Афғонистон Республикасининг Ғазна вилояти ҳокимлиги ҳамда Бобур халқаро жамғармасининг ўзаро ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний қабр-мақбарасини тиклаш ва унинг атрофида боғ-хиёбон вужудга келтириш тўғрисида ўзбек ва форс-тожик тилларида шартнома ёздик (илмий сафаримизнинг янги аъзоси, Афғонистон фуқароси Муҳаммад Анвар шу жойда ҳам асқотди).

Кейин ҳоким ҳожи Асадулло Холид хонасида яна суҳбат бўлди, шартномаларга имзо чекилди.

### ЭССИЗ, ЭССИЗ КОБУЛ...

Кобул шаҳри кўрган "жабру ситам"лар олдида Қандаҳор ва бошқа шаҳарларники ҳолва экан. Шаҳарнинг асосий қисмларида соғ бино жуда кам қолган эди.

Яхшиямки, элчихонамиз жойлашган мавзе уруш асоратларидан холи экан.

Элчимиз меҳнат таътилида экан, унинг ёрдамчиси Носиржон Ғиёсов ва консул Искандар Қодиров бизни қувонч билан кутиб олишди. Уларнинг ёрдамида Афғонистон маданият ва ахборот вазири Доктор Саид Маҳдум Рахин билан учрашиб, таассуротларимиз ва галдаги режаларимизни ўртоқлашдик.

Биз энди тезроқ Бобур боғини, ундаги тарихий-маданий иншоотлар ҳолатини кўришга ошиқдик.

Аҳвол, ҳарқалай, одамни суюнтирадиган эмас эди. Подшо қароргоҳи ва унинг оиласи истиқоматгоҳи ўнглаб бўлмас даражада нураган, бузилган, томлари ўпирилиб тушган эди. Бобур Мирзо қабри тепасидаги соддагина, мўъжазгина мақбаранинг томи вайрон бўлган, девор-устунларида беҳисоб ўқ излари қолган эди.

Аммо бу ерда ҳам кўнгилни кўтарадиган воқеалар содир бўлмоқда — боғда машҳур халқаро Оғахон жамғармаси ҳомийлигида таъмирлов бошланган — Шимол ва Шарқ томонларга девор тикланган, мақбаранинг Ғарб тарафидаги намозгоҳда қурувчи-таъмирловчилар шиддат билан ишлашмоқда эди.

### ЎКИНЧ ВА СУЮНЧ ҲАМИША ЁНМА-ЁН

Бомиёнда қиладиган жиддий ишимиз йўқ эди. Йўл ҳам расво, бунинг устига асосий йўлдан бурилиб, анча ичкари кирилар эди. Қолаверса, у жойларда ҳали хавф-хатар бутунлай бартараф этилгани йўқ, деган гаплар қулоғимизга чалинган эди. Лекин биз толибонлар вайрон қилган бир неча минг йиллик тарихий обидалар — будда ҳайкалларини бир кўриб қайтиш истагида мошина чамбарагини Ғазна — Кобул йўлидан Ғарбга қараб бурдик. Бизда у улкан ва маҳобатли (ахир, бўйи 54 метр, деб ўқиганмиз) тош ҳайкалларнинг лоақал бир қисми соғ қолгандир, деган умид бор эди. Афсуски, умидларимиз пучга чиқди. Ҳар учала (эр, хотин ва бола сиймолари акс эттирилган) маъбуданинг — санъат асарининг ўрни қолган эди, холос.

Бомиёндан маъюс таассуротлар билан қайтиб, яна Кобул йўлига тушиб олдик. Йўл тоғ оралиқлари — баланд-паст, ваҳимали довонлардан иборат эди. Бир жойда кўприк қурилишига дуч келиб қолдик. Иншоот атрофида Тошкентдан, Андижондан, умуман, Ўзбекистондан келган техникалар — булдозер, скрейперлар ишламоқда эди. Билсак, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концернининг қурувчилари экан. Уларнинг бошлиғи, концерннинг махсус ишлар бўйича бош муҳандиси Содиқжон Холиқов ҳам шу ерда экан. Маълум бўлишича, бу йўл қурувчиларимиз томонидан битказилаётган 8-кўприк экан.

Биз ўз ватандошларимизнинг бу беминнат ёрдамини кўриб қувондик.

### ҚАЙДАСАН, ИШКАМИШ?

Бобораҳим Машрабнинг Балхда қатл қилиниб, шу жойга дафн этилгани ва лекин қалби ўтлиғ шоирнинг Ишкамишда ҳам қабри борлиги манбалардан маълум. Биз аввало ҳамюрт шоиримиз қабрини зиёрат қилиш ва унинг жасади-ҳоки Ишкамишга қай тарзда бориб қолгани ҳақидаги ривояту нақлларнинг қайси бири росту, қайси бири ёлғон эканлигини аниқлашни ҳам дилимизга тугиб қўйган эдик.

Пули Хумри вилояти ҳокими муҳандис Муҳаммад Умар аввалига "у ёнлар нотинчроқ, йўли ҳам яхши эмас", деб бизни қайтармоқчи бўлди, аммо ниятимизнинг қатъийлигини билгач, вилоят газ ва нефт бошқармаси бошлиғи, ишкамишлик ҳожи Абдул Қодирни қўшиб берди.

Бобораҳим Машраб қабри қишлоқнинг Ғарб томонидаги ясси бир тепаликда эди. Зиёратгоҳга келаётган аёллар кўп эди, билсак, чоршанба — хотин-қизлар зиёрат қиладиган кун экан.

Мақбара — мақбара эмас, гувала-лойдан тикланган, шифтлари оддий, ҳари-тўсинли, ўртача ҳажмдаги бир уй, ҳужра эди. Ўртадаги қабр атрофи тахта-ёғоч билан супасимон қилиб ўралган ва устига зангори духоба ёпилган эди.

Ҳожи Абдул Қодир бизнинг келганимиздан хабар берган эди, ҳадемай улус, яъни туман валийси, қўмондони, маҳаллий аҳоли вакиллари, Машраб қабрига яқин жойда яшовчилар тўпланишди.

Биз Бобораҳим Машрабнинг бу овлоқ тепаликдан қўнимгоҳ топиши сабаблари билан қизиқдик. Афсуски, улар ҳам Бобораҳим Машраб ҳақида Ўзбекистонда чоп этилган китоблардаги маълумотлардан, унинг қабрлари тарихи тўғрисида эса, бизга маълум бўлган афсона ва ривоятлардан бошқа манба ва ахборга эга эмас эдилар. Лекин энг муҳими, улар Машрабнинг машҳур шоирлигини билишар, уни Шо Машраби Қаландар, деб аташаркан. Ҳужранинг деворларига ўзбек ва форс-тожик тилларида Машраб ғазалларидан парчалар битилган матолар илинган эди.

Бир мўйсафид бизга Машрабнинг бундан юз йиллар аввал Бухорода чоп этилган девонини тақдим этди. Умуман, Ишкамиш бизда алоҳида таассурот қолдирди. Бу ерда ўзбеклар кўп ва улар ўз тилларини яхши билишар, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлари, фикрлари яхши эди.

**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари,**
**Қамчибек КЕНЖА,**
**экспедиция аъзоси**

# Дунё – кенг...



## АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ЮТУҒИ

**Ўтган ҳафта якшанба куни америка космик агентлиги НАСА раҳбарияти ўзининг Марс сайёраси тадқиқотига бағишланган дастури муваффақиятли давом этаётганини хабар қилишди.**

Маълум бўлишича, "Спирит" деб номланган аппарат Марс сатҳига етиб борган ва дастлабки сигнални Ерга узатган. Шундан сўнг, видеотасвир — харсанг тош, сувсиз жигарранг манзара кўриниши намойиш этилган.

НАСАнинг етакчи илмий ходимларидан академик Роальд Сагдеевнинг хабар беришича, икки ҳафта мобайнида ўзиюрар аппарат қуёш батареяларига қувват йиғиб, шундан кейин тадқиқот ишларини бошлайди. Аппарат Марс сатҳидан бир неча юз метрли майдондан тупроқ намунасини олиб, уни анализ қилишга киришади. Бундан кузатилган мақсад эса, Марс сайёрасида органик ҳаёт изларини қидиришдир.

— Эҳтимол, биз яқин-орада Марсда ҳаёт борми, деган саволга жавоб олармиз, — деди академик Р.Сагдеев. — Бироқ бу борадаги европаликлар дастури олимлар кутганидай муваффақиятли амалга ошмагани ачинарли, албатта. Шунга қарамай, америкалик олимларнинг ютуғи катта умид уйғотмоқда.

## ЎРТОҚ АЙБО ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИР

**Япониялик мутахассисларнинг кашфиётлари доимо жаҳон халқларини ҳайратга солиб келган. Кейинги янги ихтиролардан бири сифатида тақдим этилган сунъий интеллектли Айбо (японча "ўртоқ" дегани) роботи бир қатор фазилатлари билан тезда эътиборга тушди.**

"Сони" компаниясида яратилган бу "дастёр" бир йўла кўплаб юмушларни бажаришга қодир экан. Мисол учун, Айбо хонадаги мебелларни бир жойдан бошқа жойга кўчиради, дераза ойналарини чиннидай тозалаб артиб қўяди... Телефон қўнғироқларини "эшитган" заҳоти, уйдагиларни бундан хабардор қилади.

Ақлли темир "дастёр"нинг баҳоси уч минг олти юз доллар туради. Айбони дастлаб "Сони" сайти орқали намойиш этишганда, атиги ўн беш дақиқада уч минг беш юз донаси сотилиб кетди. Германияда чиқадиган "Кибернетик" журналининг ёзилишича, японлар бу фойдали "ўйинчоқ"нинг фазилатларини дарҳол юқори баҳолашган.

## БРИТНИНИНГ ҲАЗИЛИ

**Ҳали ёш бўлишига қарамай, америкалик хонанда Бритни Спирс бир қанча рикордлар ўрнатиб, ғарб эстрадасининг ёркин юлдузларидан бирига айланди. Уни поп-музика тарихида энг омадли хонанда, деб ҳисоблашади.**

Спирснинг тўртинчи альбоми "Билборд" журналида эълон қилинган икки юз энг яхши албом рўйхатидан жой олди. 1999 йилдан бери унинг албомлари жами эллик тўрт миллион нусхада кўпайтирилиб, бутун дунёда сотилган.

Яқинда Бритни Спирс яна бир рекорд ўрнатиб, ҳаммани ҳайратга солди. У жуда қисқа муддатда эрга тегиб, ажралиб улгурди.

Воқеа бундай бўлганди: кечки кўнгилхушликдан сўнг, Бритни эрталаб туриб, анча вақтдан бери "қаймоқлашиб" юрган дўсти Жейсон Александр билан кичик бир черковга йўл олди. Черковда ёш келинкуёв меҳроб олдида бир-бирларини севишларини айтиб, никоҳдан ўтишди. Бироқ орадан икки соат ўтибоқ, хонанданинг ишончли иш юритувчилари келин ва куёв "ўткинчи ҳис-туйғуларга берилишганини" айтишиб, тез орада бу никоҳ бекор қилинишини билдиришди.

Маданият ишлари вазирлигининг "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри бош дирижёри Маҳмуджон Имомовга падари бузруквори **АҲМАДЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 861. Ҳажми — 3 босма табоқ, Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН